45

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ


№ 189 (5180)
22 АВГУСТ 1983 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ПОЙТАХТ ЮБИЛЕЙИГА 17 КУН ҚОЛДИ

ПОЙТАХТ РАЙОНЛАРИ: ЮБИЛЕЙОЛДИ ЙЎҚЛАМАСИ

8. Сергели райони



Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи нишонланишига саноқли кунлар қолди. Бу шонли воқеага тайёргарлик юзасидан сўнгги ишлар олиб борилмоқда. Бу ҳафтани биз пойтахтнинг энг ёш районларидан бири — Сергели районига бағишлаймиз. Районнинг барча меҳнаткашлари, аҳолиси яқинлашиб келаётган байрамга қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар. Корхоналарнинг коллективлари юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришмоқдалар. Оммавий ҳашар йўли билан районни ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти.

Сергели райони ҳақида республиканинг таниқли қурувчиси, 13-кўприксозлик отряди комплекс бригадаси бошлиғи, район партия комитети аъзоси Александр Константинович ПОДГОРНИЙ ҳикоя қилади.



— Менинг жонажон районим ташкил этилганига 16 йил бўлди. 16 йил. Пойтахтимизнинг 2000 йиллик тарихида бу жуда кичкина давр. Аммо шу қисқа даврда Сергели райони қиёфасида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Фахр билан айтиш мумкинки, у мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлиги заминида вужудга келди. Районни барпо этишда Ленинград ва Олмаота, Подмосковье ва Тошкент, республикамизнинг кўпгина бошқа шаҳарлари бинокорлари фидокорона меҳнат қилдилар.

Бугун мен оқшомхонларни район бўйлаб саёҳатга таклиф этаман.

Эҳтимол, барча тошкентликлар, ҳатто сергелиликларнинг ўзлари ҳам бу ерда республикадаги энг йирик аэропорт, жаҳонда ягона ИЛ—62 самолётлари ремонт қиладиган завод, мебель ишлаб чиқариладиган Ўзбекистондаги энг йирик ва замонавий ихтисослаштирилган корхона ва бошқа саноат корхоналари мавжудлигини билишмас. Умуман эса Сергели райони шаҳарнинг энг йирик саноат марказларидан бири ва республиканинг йирик транспорт узели ҳисобланади. Айнан мана шу ерда бутун Ўзбекистон, Ўрта Осиёнинг «Ҳаво дарвозаси» бўлган Тошкент аэропорти жойлашган.

Мен районимиз бўйича саёҳатни мана шу жойдан бошлашга таклиф этаман.

Тошкент аэропорти ҳозир бир кунда 12 минг йўловчини ўз манзилига кузатиб қўймоқда. Юбилейга қадар бу ерда 20 га яқин панно ва стендлар ўрнатилади. Ҳозиргача биноларнинг ички томонлари тўла ремонтдан чиқарилди. Маҳаллий авиалинияларга училадиган аэровокзал биносида реконструкциялаш ишлари тезкорлик билан амалга ошириляпти. Аэровокзал олдидаги майдонлар ҳам юбилейолди байрам қиёфасига кирмоқда. Ҳар шанба куни аэропорт меҳнатчилари, 243-граждан авиацияси заводи меҳнаткашлари, ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари шанбаликка чиқиб ободончилик ишларини бажаришмоқда.

* * *

СУРАТЛАРДА: 13-кўприксозлик отряди бригадири А. К. Подгорний; «1— Сергели» турар жой массиви.

М. Нуриддинов фотолари.



Тошкент — 2000 йилликка совғалар

• Ўзбекистон пойтахти юбилейини зарбдор меҳнат билан кутиб оламиз

• Тошкент аҳолиси ва меҳмонларига чиройли эсдалик совғалари

САНОАТЧИЛАР

ИХЧАМ СУМКАЛАР

Тошкент чарм-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасида сунъий чармдан тайёрланган эркаклар визит сумкаларининг шаҳар эмблемаси туширилган янги моделидан дастлабки 20 минг донаси савдо тармоқларига юборилди.

— Йил бошидан буён 20 га яқин маҳсулотнинг янги моделлари Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилди,— дейди бирлашма директори С. Саидкаримов. — жонажон шаҳримизнинг олтин тўйига атаб бирлашмада эркак ва аёллар сумкаларининг 8 та янги модели чиқариляпти. Сунъий чармдан замонавий бичимда тикилган ихчам бу сумкачалардан ҳозирча 30 минг сўмлик тайёрланди. Йил охиригача яна 110 минг сўмлик аёллар ва эркаклар сумкалари, спорт сумкалари ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Шаҳар юбилейига атаб махсус тайёрланаётган сумкаларимиз ҳамшаҳарларимизга байрам кайфияти завқини беради.

АВТОМОБИЛСОЗЛАР

«ИКАРУС»ЛАР КЕЛАДИ

Венгрия автомобилсозлари яратган қулай ва шинам «Икарус» автобусларидан яна 10 таси пойтахт аҳолисига хизмат қила бошлади. Шундай қилиб, шаҳар олтин тўйи йилида Тошкентга совға қилинган «Икарус»лар сони 200 тага етди.

Бундан роппа-роса 70 йил муқаддам, 1913 йилда бутун Ўзбекистон территориясида бор-йўғи 300 километр тош йўл бор эди, холос. Орадан 10 йил ўтгач эса республика транспорт ташкилотлари ихтиёрида 223 автомобиль бўлиб, йил давомида 145 минг тонна юк ташишга муваффақ бўлинганди. Бугун биргина Тошкентнинг ўзида 2000 автобус 122 маршрутда кунига 1 миллион 100 пассажирни манзилга элтади.

ТРАНСПОРТЧИЛАР

ТРОЛЛЕЙБУСЛАР КЎПАЯДИ

Тошкент троллейбуслари сафи яна 22 тага кўпайди. Саратов областининг Энгельс шаҳрида тайёрланган, «ЗИУ—9» маркали янги троллейбуслар пойтахт юбилейи байрами кунларидан бошлаб ҳамшаҳарларимиз хизматида бўлади.

Тошкентда 1947 йилда умумий узунлиги 18 километр бўлган биринчи троллейбус линияси ишга тушганда бор-йўғи 10 тагина троллейбус машинаси бор эди. Бугунги кунда икки ёнига чиройли қилиб юбиляр шаҳар эмблемаси туширилган 275 троллейбус кунига 400 минг пассажирга хизмат қилмоқда. 20 дан ортиқ маршрутдаги троллейбус линияларининг умумий узунлиги эса 222 километрдан ошиб кетди.

ФАХРЛИ БЕЛГИ БИЛАН

КПСС XXVI съезди номли Тошкент чинни заводининг коллективи пойтахтимизнинг 2000 йиллик юбилейини яхши кўрсаткичлар билан кутиб олмоқда. Корхона социалистик мусобақада пешқадамлик қиляпти. Давлат план-топшириқлари ортиғи билан ado этиляпти. Бунда коммунист ва комсомолларнинг ишлаб чиқариш илғорларининг ҳиссаси катта.

Бугунги кунда заводда 19 хил маҳсулот фахрли беш қиррали белги билан ишлаб чиқарилмоқда. Пиёлалар, вазалар, кофейниклар, «Нафосат», «Пахта», «Атлас», «Табассум», «Диларом», «Баҳор», «Тонг», «Гулнора», «Кийик», «Дастагул» термалари шулар жумласидандир. Сифат белгиси бўлган маҳсулотлар умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг қарийб 18 процентини ташкил этади.

Корхона коллективи пойтахтимиз юбилейига атаб бир қатор янги буюмларни ишлаб чиқармоқда. Шулардан бири «Етти гўзал» деб аталадиган туркумдир. Бу туркум етти гўзалнинг сурати туширилган манзарали ликобчалардан ва баландлиги 1 метр нақшин вазадан иборат. Вазанинг олд томонига Алишер Навоийнинг портрети туширилган.

СУРАТДА: Тошкентнинг 2000 йиллигига атаб ишлаб чиқарилаётган янги буюмлардан намуналар.

Л. Глауберзон фотоси.

МУЗЕЙ ХОДИМЛАРИ

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК МАДҲИ

СССР халқлари дўстлиги музейида 10 сентябрь куни шаҳар юбилейига аталган катта кўргазма очилади. Кўргазма «Тошкент тинчлик ва дўстлик шаҳри» деб номланди.

Кўргазма «Тошкент — тошкентликлар ва Россия» қисми билан очилади. Ундаги архив ҳужжатлари, фотосурат ва материаллар томошабинга шаҳар маданий тарихи, Россия билан алоқалари ҳақида маълумот беради.

Кўргазманинг бошқа қисми—«Улуғ Октябрь социалистик революцияси. Тошкент пролетариатининг Граждан урушн даврида мамлакат меҳнаткашлари билан жанговар дўстлиги» деб аталади.

Тошкентнинг бугунги қиёфаси музей экспозициясидан алоҳида ўрин олган. Биз Тошкентда бўлиб ўтган халқаро симпозиум ва конференциялар ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро кинофестивали ва бошқа анъанавий анжуманлар пайтида олинган фотосуратларни томоша қилиш имконига эга бўламиз. Буларнинг бари «Тошкент тинчлик ва дўстлик шаҳри» деб номланган сўнгги якуновчи қисмига киритилган.

РАССОМЛАР



Ўзбекистон пойтахтининг ижодий ташкилотлари меъморлар ва рассомлари Тошкентнинг 2000 йиллигига атаб бир қатор янги асарлар яратдилар. Ҳайкалтарошлик ва рассомлик, шунингдек санъатнинг бошқа турли жанрларида яратилган асарлар Тошкентнинг меъморчилик комплекслари, архитектурик иншоотларини безаб турибди.

СУРАТДА: А. Шоймуродов Тошкент метрополитенининг «Алишер Навоий» станцияси қасрига ишлаган композициясидан намуна.

БАСТАКОРЛАР

«ТОШКЕНТ ЖИЛОЛАРИ»

Бастакор Сайфи Жалилнинг пойтахт тўйига атаб таййрланган вокаль-хореографик композицияси «Тошкент жилолари» деб аталади. Уни «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли саҳналаштиради. Композиция шаҳримизнинг бугунги куни ҳақидагина ҳикоя қилиб қолмай, балки Тошкентнинг революцион тарихи, ҳамюртларимизнинг Совет ҳокимияти учун олиб борган курашини ҳам бадиий талқин этади.

«Тошкент жилолари» композицияси (уни Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қ. Мўминов саҳналаштирган) пойтахт юбилейи байрами кунларида намойиш қилинади.





ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҳисобот ва сайловлар

МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР БЕРАДИ

Партия группалари ва цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари давом этмоқда. Шаҳар партия группалари ташкилотчиларининг ярми, 400 га яқин партия бюроси ва цех партия ташкилотларининг секретарлари ўз ишлари тўғрисида ҳисоб бердилар. Партия группалари йиғилишларида ҳар икки коммунистдан бири, цех партия ташкилотларида эса ҳар уч коммунистдан бири сўзга чиқди.

УЮШҚОҚЛИК ВА ИШЧАНЛИК РУҲИДА

Коммунистлар йиғилишларда сўзга чиқиб, партия ишининг турли томонларига: сиёсий, ташкилий, идеологик жиҳатларига жиддий эътибор бермоқдалар, бу масалаларга комплекс ёндошмоқдалар, уларни узвий бирликда кўриб чиқмоқдалар. Ишни янада яхшилашга қаратилган конкрет таклиф ва танқидий мулоҳазалар билдирмоқдалар.

Шуниси характерлики, коммунистлар аввалги йилларда бўлгани сингари минбарга янги ташаббуслар билан чиқмоқдалар. Уларнинг кўплари ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилмоқдалар. Масалан, «Ташметрос т р о й» трести 1-қурилиш-монтаж бошқармаси проходкачилар партия группаси ҳисобот-сайлов партия йиғилишида сўзга чиққан бригадир И. Лисий ўз коллективи номидан оширилган мажбурият қабул қилди. Улар шу йилнинг 12 ноябригача метронинг Ойбек номли станцияси иккинчи вестибюлидаги асосий қурилиш-монтаж ишларини муддатидан бир ярим ой илгари бажаришга аҳд қилишди. Коммунист И. Валеев (шу трест 2-тоннель отряди 10-участкаси) ҳар ойда А. Навоий номли станцияда камида тўртта қубба ўрнатиш мажбуриятини олди. У платформалар пардозини 1984 йил 15 июлигача ниҳоясига етказишга аҳд қилди. Бу белгиланган муддатдан уч ой аввал ниҳоясига етказиш деган сўз.

«Главташкент т р о й» транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг 6-автотранспорт корхонаси 2-автоколоннаси ҳайдовчилар бригадаси партия группаси ташкилотчиси М. Абулқосимов шу йилнинг шахсий планини Улуғ Октябрнинг 66 йиллигигача бажариш мажбуриятини олди.

«Миконд» заводи автоматлар созловчиси Г. Цигин партия группаси йиғилишига янги мажбурият билан келди. У Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигигача ўн биринчи беш йиллик топшириғини бажаришга аҳд қилди.

Коммунист З. Исмоилова (бадиий буюмлар фабрикасининг попон цехи) ҳисобот-сайлов партия йиғилишига рапорт билан келди. У беш йилликнинг учинчи йили топшириғини бажарганини айтди. Тикувчи йил охиригача 1984 йилнинг биринчи ярим йиллик планини бажариш мажбуриятини олди.

«Ўзбексельмаш» заводининг 21-цехи ҳисобот-сайлов йиғилишида Б. Литвинский йил охиригача қўшимча мажбурият олди. У беш йиллик топшириғини шу йилнинг охиригача адо этмоқчи. Бу эса аввалги мажбуриятда кўзда тутилганидан бир йил аввал бажариш демакдир.

Йиғилишлар коммунистларнинг юксак активлигида ўтмоқда. Улар қуйи звенолар ишидаги, коммунистлар раҳбарлар фаолиятидаги нуқсонларни дадил ва асосли очиб ташламоқдалар, хўжалик фаолиятига партия ва раҳбарлик савиясини янада оширишга, меҳнат коллективларидан ташкилий-сиёсий ишларни яхшилашга қаратилган танқидий мулоҳазалар, қимматли таклифлар билдирмоқдалар.

Партия группалари ва цех партия ташкилотларидаги йиғилишларда ҳозиргадек ҳар мингга яқин фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди. Меҳнат коллективлари, партия ташкилотлари аниқланган камчиликларга барҳам бериш устида ишламоқдалар.

ПРАВДА САҲИФАЛАРИДА

● Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бирлашган миллий мустақиллик партиясининг IX бош конференциясига йўллаган табрик телеграммаси эълон қилинган. Совет кишилари Замбия Республикасининг тинчлик, халқаро хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга сарфлаётган куч-ғайратини қадрлайдилар, ЮНИП IX бош конференцияси ишига муваффақиятлар тилаймиз, дейилади жумладан телеграммада.

● СССР Олий Совети Президиуми ижтимоий фанларни ривожлантиришдаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига етмиш беш йил тўлиши муносабати билан СССР Фанлар академиясининг вице-президенти Петр Николаевич Федосеевни Октябрь революцияси ордени билан мукофотлади.

● Физика фанини ривожлантиришдаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Бруно Максимович Понтекорвони СССР Олий Совети Президиуми Октябрь Революцияси ордени билан мукофотлади.

● «Корхона экономикасини билмоқ керак»— «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари босилган.

ҲАММА—ҲАШАРГА

Ўтган шанба ва якшанба кунлари минглаб тошкентликлар ўзининг 2000 йиллигини нишонлашга тараддуд кўраётган жонажон шаҳарларини ободонлаштириш, кўчалар, хиёбонлар, гўлзорларни тартибга келтириш учун оммавий ҳашарга чиқдилар. Корхоналар, қурилишлар, муассасаларнинг коллективлари ҳам, ўқувчилар, уй бекалари ва пенсионерлар ҳам Ўзбекистон пойтахтини янада кўркам ва гўзал қилишга доир ободонлаштириш икки ойлигининг даъватига бефарқ қолаётгани йўқ.

СУРАТДА: 5-шаҳар ҳунар-техника билим юртининг ўқувчилари Киров номли паркда ободонлаштириш ишларини олиб боришмоқда.

Т. Каримов фотоси.



Спорт кундалиги

● Тошкентда футбол бўйича мамлакатимиз метросозларининг Бутуниттифоқ турнири якунланди. Ғолиблик учун бўлган баҳсда Киев, Харьков, Ереван, Тбилиси, Горький ва Тошкент шаҳарларининг футбол командалари баҳс юритишди.

Якунловчи тур олдидан ереванлик ва тошкентлик футболчилар тенг очко тўплашган эди. Шу боисдан ҳам бу икки коллектив ўртасидаги учрашув ниҳоятда қизиқарли ва ҳаяжонли бўлди. 1:0 ҳисобида ғалабага эришган майдон эгалари Бутуниттифоқ турнири ғолиби унвонини қўлга киритдилар. Ереван ва Тбилиси шаҳарларининг метросозлари иккинчи ва учинчи ўринни эгалладилар.

● Тошкентлик енгил атлетикачи Сергей Ловачев Хельсинки шаҳрида биринчи марта ўтказилган енгил атлетика бўйича Жаҳон чемпионатида олтин медаль билан тақдирланди. У 4х400 метр масофага эстафетали югуришда яхши қатнашиб, ана шундай юксак унвонга сазовор бўлди.

● Республикамиз пойтахтининг 2000 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган Тошкент шаҳри аҳолн турар жойлари коллективлари ўртасида ўтказилаётган XXI спартакиада баҳслари давом этмоқда.

Шаҳар спорт комитетининг масъул ходимлари спортнинг саккиз тури бўйича ўтказилган баҳсларга якун чиқаришди. Ҳозирча энг кўп очко тўплаган Фрунзе районининг вакиллари пешқадамлик қилишмоқда. Октябрь ва Чилонзор районларининг физкультурачилари эса иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаб туришибди.

● «Текстильщ и к» стадионида жуда кўп мусобақалар ташкил этилди. Жумладан, микрорайонлар физкультура коллективлари волейбол, мини-футбол, стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича беллашдилар.

Умумий якунда 19-микрорайоннинг вакиллари биринчи ўринни эгалладилар.

Микрорайон шарафини «Таштекстильмаш» бош корхонаси вакиллари ҳимоя қилишган эди. Улар волейбол, шашка ва шахмат мусобақаларида биринчи ўринни қўлга киритганликлари учун ғалабага эришдилар. Тошкент тўқимачилик комбинатининг бош корхонаси физкультурачилари эса 17-микрорайон номидан баҳс юритишди. Улар иккинчи ўринни эгалладилар. Учинчи ўринга 5-микрорайон вакиллари кўтарилишди.

● В. И. Ленин номидаги маданият ва истироҳат боғида болалар боғчаларининг тарбияланувчилари учун «Қувноқ стартлар» спорт байрами ташкил этилди. Қизиқарли ва ҳаяжонли ўтган беллашувларда Тошкент тўқимачилик комбинатининг 1-болалар боғчасининг тарбияланувчилари ғолиб чиқишди. Иккинчи ва учинчи ўринни эса 249- ва 5-болалар боғчаларининг тарбияланувчилари эгаллашди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

Техника тараққиёти — коммунистлар эътиборида

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош технолог бўлими партия ташкилотининг секретари, инженер Елена Розина ўз докладини муҳим масаладан бошлади. Коммунистларнинг асосий эътибори техника тараққиётининг долзарб масалаларини ҳал этиш юзасидан бўлим коллективи олдида турган вазифаларга қаратилди. Бу борада муайян ютуқларга эришилди. Коммунистлардан Ю. Морозов, В. Красильников, Е. Лагодина, О. Самошина ва бошқалар техникани жорий этиш, илғор технологияни қўллаш юзасидан кўп иш қилдилар.

Масалан, «Хидомат» прессида кўзгалмас контакт тайёрлаш бўйича янги юқори самарали технологик жараён ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Мутахассислар РПУ-2 рельсини йиғиш учун мосламалар ишлаб чиқишди ва ишга туширишди. «4ГЖ» типидаги прессловчи автомат деталларини тайёрлашда янги технология қўлланиляпти. «Хидомат» прессида «АЕ-1.000» автоматик виключатель учун деталлар ишлаб чиқаришда янги технологик жараённи қўллаш яхши самара беряпти. Бу янгиликлар кўплаб иқтисодий самара келтиряпти.

Партия ташкилоти ўз иш практикасида коммунистлар, шунингдек, инженер-техник ходимларнинг техника тараққиётига қандай ҳисса қўшаётгани билан муттасил қизиқяпти. Шу мақсадда партия йиғилишларида уларнинг ҳисоботлари тингланди. Бу эса бош технолог бўлими мутахассисларин и н г ижодий ишлари активлашишига туртки берди.

Ҳисобот даврида «Средазэлектроа п п а р а т» бирлашмасида янги техника ва техника тараққиёти бўйича 170 дан зиёд тадбирлар амалга оширилди. Бу эса 219 ходимни бошқа ишларга ўтказиш ҳамда 680 минг сўмдан зиёд маблағни тежаш имконини берди. Бош корхона бўйича 100 та техника янгилиги жорий этилди. Натижада 32 киши бошқа ишларга ўтказилди, 266 минг сўмлик маблағ тежаб қолинди. Меҳнат ва моддий ресурсларни тежаш бўйича тадбирларни амалга оширишда коммунистлардан В. Красильников, Ю. Морозов, В. Рябова, Б. Ким, партиясизлардан С. Кочегин, И. Попов, Н. Рогоза, Л. Болдирева ва бошқалар қатнашдилар.

Шу билан бирга докладчи ва музокарада сўзга чиққан коммунистлар партия ташкилоти ишидаги жиддий нуқсонлар ҳақида ҳам айтиб ўтишди. Масалан, буюм сифати учун курашиш масалалари партия бюроси, унинг секретари эътиборидан четда қолган. Техника ҳужжатларини ўз вақтида тайёрламаслик оқибатида бир неча буюмлар техника талабларидан ортда қолган. Тўғри, бу масала партия активи эътиборини қаратди. Ҳолбуки, бюро маҳсулот сифати масалаларини жиддий назорат қилиши, коммунистлардан техника ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлашни талаб қилиши мумкин эди-ку!

Тажриба шуни кўрсатяптики, техника тараққиёти масалаларини бригадада анча муваффақиятли ҳал этилади. Бироқ, бош корхонада бригада усули бўш жорий этиляпти. Бундаги асосий камчилик яна бош технолог бўлимига келиб тақалади. Бу бўлим меҳнат ва иш ҳақи бўлими мутахассисларин и н г ижодий ишлари активлашишига туртки берди.

Ҳисобот даврида «Средазэлектроа п п а р а т» бирлашмасида янги техника ва техника тараққиёти бўйича 170 дан зиёд тадбирлар тия ташкилоти бу муҳим ишга ўз муносабатини тубдан ўзгартириши кераклигини таъкидлашди.

Бош технолог бўлимида 30 дан зиёд инженер-техник ходимлар ишлашади, уларнинг кўпчилиги ёш мутахассислар. Афсуски, бу ёшлар ишда етарлича ташаббус кўрсатмаяптилар. Гап улар уни истамаётганида эмас, балки уларда етарлича тажриба ва билимнинг йўқлигидир. Ҳолбуки, коммунист, мутахассислар ёшларга малака оширишда ёрдам беришлари керак. Демак, партия ташкилоти, унинг секретари ижодкор ёшлар ва мутахассислар малакасини ошириш масаласига етарлича эътибор беришмаган. Ҳолбуки, бу масала билан шуғулланиш уларнинг тўғридан-тўғри бурчи эди.

Корхонани техника жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир бир қатор масалаларни ҳал этишда халқ назоратчилари ва бошқалар кўпгина ишлар қилиши мумкин эди. Аммо улар ташаббус кўрсатишмади. Фақат гоҳида бу иш билан шуғулланишди.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари асосида бўлим партия ташкилоти олдида гоявий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш бўйича кўпгина вазифалар турибди. Тажрибали пропагандистлардан О. Самошина, «Билим» жамиятининг лектори Ю. Морозов, сиёсий ахборотчи И. Семенюк ва бошқалар сиёсий-тарбиявий иш олиб боришда бой тажриба орттиришган. Ҳали бу борада бўлим мутахассислари ўртасида индивидуал тарбиявий иш олиб бориш ҳозирги талаблар даражасида эмас. Бунга эътиборни кучайтириш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

А. БРОНШТЕЙН.

ПОЙТАХТ РАЙОНЛАРИ: ЮБИЛЕЙОЛДИ ЙЎҚЛАМАСИ

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ







— Гап Сергели райони ҳақида, республиканинг йирик транспорт комплекси ҳақида кетар экан, энди автотранспортчилар ишига назар солайлик. 4 ва 12-автобус парклари, 7-таксопарк ва райондаги бошқа транспорт корхоналарининг меҳнаткашлари шаҳар юбилейини ажойиб ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан кутиб олишмоқда. 3-автокомбинат маркаси қўйилган машиналар турли хил озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларини етказиб беради.

Районимизда бир қатор корхоналар бир йўла ҳар хил турдаги мебеллар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Бу борада уларга «Узбекпроектмебел ь» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари ёрдам беришмоқда.

Янгидан-янги мебеллар бирлашмада Тошкент юбилейига атаб яратилган. Тез орада улар кенг миқёсда ишлаб чиқарила бошланади.

* * *

СУРАТЛА Р Д А: «Узбекпро е к т м е бель» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-цехи мебелсозйиғувчилари И. Шералиев, бригадир М. Мухсимов (ўртада) ва Т. Отажонов; ⊙ Шу бирлашма экспериментал цехи технологи Н. Тельдекова. ⊙ Марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестининг 3-автокомбинати. Бу корхона коллективи Сергели район партия комитети ва район Совети ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланган. Илғор бригадирлар —Э. Ортиқов, А. Қўчқоров, А. Абдухалилов, М. Александров ва Л. Бобровский.

М. Нуриддинов фотолари.

«ТЕХНОЛОГ» ЁРДАМ БЕРМОҚДА

«Узбексельмаш»нинг пластмасса буюмлар цехида янги ротацион қолиплаш қурилмаси ишга туширилди.

...Агрегатнинг кўриниши болалар каруселига ўхшаб кетади. Лекин бунда стуллар ўрнида шпинделларга ўрнатилган қарийб 3 метрли пўлат шайбалар шитоб билан айланиб туради. Шуларнинг биттасини кучли электрокалорифер 360 градусга қадар қиздиради, иккинчиси сунъий ёмғир остида совийди, учинчиси операторнинг иш майдонига бориб туради.

Шайбага иккита қолип биркитилган. Қуйи қолипнинг қулфи очилди ва Баҳодир Оллоназаров ундан 320 литрли полиэтилен бочкани чақ-қонлик билан чиқариб олди. Бочка енгил, 20 килограмм келади. У — заҳарли химикат ёки гербицид модда солинадиган идиш бўлиб, турдош завод — «Ташхимсельмаш» машиналарига ўрнатилади. Баҳодир қолипни мойлаб, тортилган полиэтилен порошок дозасини унга тўкиб, қулфни ёпди. Иккинчи қолипда ҳам худди шундай иш қилди.

Қўли энди бўшаган эди, бошқариш пультидан сигнал эшитилди. Автоматика янги бочкалар «пишиб бўлганлигини», уни чиқариб олиш лозимлигини хабар қилди. Ишчи кнопкани босди, агрегат 180 градус бурилди. Порошок солинган қолип қизигани, қизиган қолип эса совугани ўтди, майдонга эса тайёр маҳсулоти туширишаётган эди. Биз карга олиб келган Абдусодиқ ва Абдуҳошим Мамасодиқовлар билан суҳбатлашдик. Афсуски, улар дала неъматларини шофер Мочалин неча сўмга олиб келганлигини айтишмади. Шофер бизнинг нима билан қизиқаётганлигимизни билгач, ранги оқариб, ўзини қўярга жой тополмай қолди ва счётда кўрсатилган 20 сўм пулни олмасдан ғойиб бўлди. Шоферининг бундай ғойиб бўлишига асос бор. У хавф-хатарни сезгач, қилиб қўйган ишига жавоб беришдан қўрқиб жуфтакни ростлаган эди.

Паркет районидаги «Соҳибкор» совхозидан бозорга келган ака-ука Мамасодиқовлар квитанцияга ёзилган пулни ҳам олмасдан ғойиб бўлган шоферни ахтаришди.

Цех бошлиғи Геннадий Соснин мамнун — хўб иш-да — бир кунда юзта, бир ойда эса 2200 та шундай бочка чиқарамиз. Ишлаб чиқариш эҳтиёжларини батамом қондириб турибмиз. Бунинг устига қанчадан-қанча металл тежалади, ҳаммаёқ эса озода.

Бу цех Тошкент «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулидир. Бундан бир неча йил аввал СССР трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги бирлашмага пластмассадан ротацион усул билан маҳсулот қолиплайдиган ускуна ишлаб чиқиш вазифасини топширганди. Анъанавий қолиплаш ёки дам бериб ясаш усулларига нисбатан бу метод тезкор, содда бўлиб, чиқит ҳосил қилмайди — қолипга қанча полиэтилен солсангиз шунинг ҳаммаси буюмга айланиб чиқади.

— Принцип жиҳатдан олганда бу метод янгилик эмас — у асримиз бошларида ҳам маълум эди. Кондитерлар билишарди. Улар шу усул билан шоколад айиқлар тайёрлашарди, — деб кулимсиради бирлашманинг бош инженери М. Шаинский.— Лекин бизнинг ишни аввал бошдан ишлаб чиқишимизга тўғри келди. Мамлакатда бундай ускуна ясаш билан ҳеч ким шуғулланмасди...

«Технолог» мутахассислари янги хил машиналарни таклиф этибгина қолмадилар. Эндиликда металл ўрнига ёппасига пластмасса ишлатиш имконияти пайдо бўлди. Бу эса партия XXVI съезди қарорларини бажаришга қўшилган ҳиссадир. Қарорда машиналарга металл сарфини камайтириш, конструкцион пластмасса деталларни кенг кўламда жорий этиш тўғрисида гапирилган.

Ҳозир «Узбексельмаш»да «Технолог» ёрдамида полиэтилен банкалар ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу банкалар универсал чигит сеялкаларига қўйилади. «Ташсельмаш»да пахта териш машиналари учун пластмасса сув банкаларини тайёрлайдиган ускуна монтаж қилинмоқда, «Чирчиксельма ш » д а пластмассадан универсал культиватор бункерлари ясалади. Львов «Химсельмаш»дан ҳам буюртма олинди. Мамлакатда ўсимликларни химиявий муҳофаза қилувчи машиналар ишлаб чиқарувчи энг катта завод учун ротацион қолиплаш ускуналари тайёрлаб бериш лозим.

Буларнинг ҳаммаси юз минглаб тонна металлни, шу жумладан, зангламайдиган пўлат ва алюминийни тежайди. Пластмасса маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси металлга нисбатан энергияни камроқ олади, бинобарин, миллион-миллион киловатт-соат энергия тежалади. Зангламайдиган пўлатдан ишланадиган металл идишлар инерт газ муҳитида пайванд қилинади. Бунинг учун мураккаб машина-ускуналар, юқори малакали пайвандловчилар керак. Ротацион қурилмаларни эса атиги икки ҳафта тайёргарликдан ўтган кишилар бемалол бошқара оладилар. Ҳуллас, чанглатгич-пуркагичлар учун 10 мингта идиш тайёрлашнинг ўзидагина 28 нафар пайвандловчининг кўли бўшади. Чунончи пластмасса коррозияга қарши махсус ихота талаб этмайди; у бўялмайди, ичидаги нарса сарфини кузатиб бориш қулай бўлсин учун бакни шаффоф қилиб ясаш ҳам мумкин.

Ротацион қолиплаш пластмассадан «Жигули» бензин бакидан тортиб темир йўл цистернасигача ҳар қандай идиш тайёрлаб чиқаришга имкон беради.

А. СКОРОБАГАТОВ,
УзТАГ мухбири.

КУБАГА КЎПРИК КРАНЛАРИ

Пойтахтимизда а г и «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган электр кўприк кранлари Иттифоқимиз ва кўпгина хорижий мамлакатларда юқори баҳоланмоқда. Корхона маҳсулоти ҳозиргача 24 хорижий мамлакатга жўнатилди.

БУГУН

ПВ—25 маркали 10 тонна юк кўтарадиган электр кўприк кранларининг 2 таси Кубага жўнатилди. Корхона йил бошидан буён чет мамлакатларга чиқарган 12 хил маҳсулот сони 40 тага етди. Ҳозир ана шундай машиналарнинг яна 30 таси Ўзарро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган давлатлар ва Африкадаги мамлакатларга жўнатишга тахт турибди.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг рейди

БОЗОР ВА НАРХ-НАВО

ЁКИ САБЗАВОТ ВА МЕВАЛАР НЕГА ҚИММАТЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА?

3. ХИЗМАТ ҲАҚИНИ ШОФЁРЛАР БЕЛГИЛАШМОҚДА

Шаҳар аҳолиси дала меҳнаткашларига алоҳида эҳтиром билан муносабатда бўлади. Бу ҳурмат кеча ва бугун пайдо бўлгани йўқ, албатта. У қадимий тарихга эга. Уларнинг машаққатли меҳнати туфайли дастурхонимиз ҳамиша тўкин ва сочин. Ҳосилни фақат етиштириш эмас, уни ўз вақтида йиғиштириб олиш, янги узилган вақтида бозорларга олиб келиш керак. Лекин афсуски бунинг ўзига хос қийинчиликлари бор.

Айниқса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб келишда қўплаб ноқулайликлар мавжуд. Деҳқоннинг катта маблағи транспорт харажати учун берилиши ҳеч кимга сир эмас. Лекин ана шу хизматни бажарадиган мутасадди ташкилотлар борку. Бу ерда биз йирик базалардан бири бўлмиш «Узтрансэкспедиция» бошқармасини назарда тутаётирмиз. Бу базада 2270 та транспорт борлигини айтишнинг ўзи кифоя. Улар ёрдамида аҳолига ўнлаб ҳар хил хизмат кўрсатилади. Лекин булар ичида энг асосийси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беришдир. Биз план кўрсаткичларини кўргач, ана шундай хулосага келдик.

— Биз сабзавот, мева, полиз экинларини қишлоқ далаларидан шаҳар бозорларига олиб келишни ташкил этишни яхши тушунамиз,— дейди «Узтрансэкспедиция» бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ўктам Обидович Ҳамидхўжаев.—Ана шу мақсадда Тошкент шаҳар ва область трансэкспедицияси томонидан аниқ маршрутлар ишлаб чиқилган. «ТЭА» эмблемаси туширилган оғир юк ортадиган махсус машиналар Тошкент—Чиноз, Тошкент—Тўйтепа — Бургулюк йўллари бўйлаб қатнайди. Бундан ташқари Бўка ва Бўстонлиқ шаҳарлари орқали қатнайдиган иккита юк ортиш машиналаримиз ҳам бор. Биз бу билан қишлоқ хўжалиги нознеъматларини хўжаликлардан бозорларга келтиришдаги муаммони ҳал этолмаётганлигимизни яхши тушунамиз. Ҳозир ана шу ишга алоҳида аҳамият бериляпти.

Лекин бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Бунинг учун бизда далил бор. Шаҳар бозорларини айланиб колхозчилар билан суҳбатлашдик. Уларнинг фикри битта: қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шаҳарга олиб келиш жуда қимматга тушмоқда. Бунда транспорт-экспедиция агентлиги шоферларининг айби катта. Чунки улар машина счётида кўрсатилган баҳони алоҳида, олдиндан келишиб олинган баҳони алоҳида олмоқдалар.

— Мисол учун, биз шоферларга бир қоп юкимиз учун 2 сўмдан 5 сўмгача ҳақ тўлаймиз,— дейди Олой бозорида картошка сотаётган Назарбек посёлкасида истиқомат қилувчи М. Саидова.

Суҳбат вақтида «ГАЗ-52» маркали 47—17 ТНП номерли машинадан сабзавот туширишаётган эди. Биз карга олиб келган Абдусодиқ ва Абдуҳошим Мамасодиқовлар билан суҳбатлашдик. Афсуски улар дала неъматларини шофер Мочалин неча сўмга олиб келганлигини айтишмади. Шофер бизнинг нима билан қизиқаётганлигимизни билгач, ранги оқариб, ўзини қўярга жой тополмай қолди ва счётда кўрсатилган 20 сўм пулни олмасдан ғойиб бўлди. Шоферининг бундай ғойиб бўлишига асос бор. У хавф-хатарни сезгач, қилиб қўйган ишига жавоб беришдан қўрқиб жуфтакни ростлаган эди.

Паркент районидаги «Соҳибкор» совхозидан бозорга келган ака-ука Мамасодиқовлар квитанцияга ёзилган пулни ҳам олмасдан ғойиб бўлган шоферни ахтаришди.

Афсуски шофер Мочалинга нисбатан бизда ҳеч қандай далил йўқ, фақат ишнинг ахлоқий томони ҳақида гапиришга тўғри келади. Транспорт-экспедиция агентлиги шоферлари ён атрофдан ҳеч қандай назорат олиб борилмаганлигини кўришгач, ўзлари хон, кўланкалари майдон бўлиб, хизмат ҳақлари учун давлат нархларидан ортиқ бўлган баҳода ҳақ олишга ўтмоқдалар. Хизмат ҳақининг «шапкаси» эса «ТЭА» хизматчилари чўнтагига тушмоқда.

Бу ишларнинг ҳудди шундай эканлигини Жума Доннёров ва Ўктам Мавлонов сўзидан ҳам билса бўлади.

— Жиззах областининг Арнасой районидан Олой бозорига беш тонна полиз экинлари олиб келиб, хизмат ҳақига 600 сўм бердик. Транспорт агентлиги кассасига фақат 95 сўми тўланди. Дала меҳнаткашларининг қишлоқ хўжалик неъматларини олиб келишлари қиммат га тушмоқда. Бу эса ўз навбатида бозорларда нархнавонинг қиммат бўлишига олиб келмоқда. Ахир аҳоли сарф қилинган пулларнинг ўрнини қоплаши керак-ку. Ана шунинг учун ҳам Тошкент бозорларидаги сабзавот, мева ва полиз экинлари анча қиммат. Бунда ўз ишида тартиб ва интизом ўрнатмаган «Узтрансэкспедиция» бошқармаси раҳбарлари айби каттадир.

Биз «Ташоблтрансэкспедиция»да бўлганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Бирлашмада 340 та машина бўлиб, ҳар куни линияга 200 та машина чиқарилмоқда. Шофёрлар ичида транспортни фақат ўз манфаати йўлида ишлатадиганлар ҳам топилиб туради. Масалан, И. Яндутов Наманган областидан қалбаки, яъни ўзидаги сохта буюртма-квитанцияни тўлдириб, мева олиб келган. Бундай мисолларни кўплаб келтирса бўлади. Бу ишлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бирлашма раҳбарлари қўл остидагиларга нисбатан талабчанликни сусайтириб юборишган. Шофёрларнинг ишини эса планмасса сув банкаларини тайёрлайдиган ускуна монтаж қилинмоқда, «Чирчиксельма ш » д а пластмассадан универсал культиватор бункерлари ясалади. Львов «Химсельмаш»дан ҳам буюртма олинди. Мамлакатда ўсимликларни химиявий муҳофаза қилувчи машиналар ишлаб чиқарувчи энг катта завод учун ротацион қолиплаш ускуналари тайёрлаб бериш лозим.

Буларнинг ҳаммаси юз минглаб тонна металлни, шу жумладан, зангламайдиган пўлат ва алюминийни тежайди. Пластмасса маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси металлга нисбатан энергияни камроқ олади, бинобарин, миллион-миллион киловатт-соат энергия тежалади. Зангламайдиган пўлатдан ишланадиган металл идишлар инерт газ муҳитида пайванд қилинади. Бунинг учун мураккаб машина-ускуналар, юқори малакали пайвандловчилар керак. Ротацион қурилмаларни эса атиги икки ҳафта тайёргарликдан ўтган кишилар бемалол бошқара оладилар. Ҳуллас, чанглатгич-пуркагичлар учун 10 мингта идиш тайёрлашнинг ўзидагина 28 нафар пайвандловчининг кўли бўшади. Чунончи пластмасса коррозияга қарши махсус ихота талаб этмайди; у бўялмайди, ичидаги нарса сарфини кузатиб бориш қулай бўлсин учун бакни шаффоф қилиб ясаш ҳам мумкин.

Ротацион қолиплаш пластмассадан «Жигули» бензин бакидан тортиб темир йўл цистернасигача ҳар қандай идиш тайёрлаб чиқаришга имкон беради.

А. СКОРОБАГАТОВ,
УзТАГ мухбири.

Бизнингча, дала меҳнаткашлари томонидан транспортларда қишлоқ хўжалик неъматларини олиб кетиш учун бериладиган буюртма-квитанцияни тўлдириб, мева олиб келган. Бундай мисолларни кўплаб келтирса бўлади. Бу ишлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бирлашма раҳбарлари қўл остидагиларга нисбатан талабчанликни сусайтириб юборишган. Шофёрларнинг ишини эса планлар республика автомобиль транспорти министрлиги томонидан чуқур ўрганилиши керак. Транспорт-экспедиция агентлиги машинасида ўз манфаатини кўзлаб юрадиган баъзи шофёрларнинг бундай бебошлигига чек қўйиш керак. Аввало йўлда назоратни кучайтириш, меҳнат ва молия интизомига сўзсиз риоя этилишига эришмоқ лозим. Самарали маршрутлар сонини анча кўпайтириш, ишни қишлоқ меҳнаткашларининг истакларини ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйиш керак. Буларнинг ҳаммаси бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мўл-кўл бўлишига, бозорларда нарх-навонинг пасайишига ёрдам беради.

С. ЧИНАЕВ,
В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси, штатсиз мухбиримиз.

Н. МЕЛЬНИКОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг УБХСС бошлиғи.


Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
А. ХАТАМОВ,
«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари мухбирлари.

РЕДАКЦИЯДАН: «Бозор ва нарх-наво» сарлавҳаси остида берилаётган туркум материаллар ниҳоясига етди. Тайёрланган мақолаларда биз сабзавот, мева ва полиз экинларининг нима сабабдан қиммат сотилаётганини очиб беришга ҳаракат қилдик. Лекин кўтарилган бу масала анча мураккаб, шунинг учун ҳам учта мақолада бу борадаги муаммоларнинг ҳаммасини қамраб олиш қийин, албатта. Лекин, рўй бераётган бундай аҳвол билан асло муроса қилиб бўлмайди. Ишни чуқур ўрганиш ва бевосита нарх-навога алоқадор бўлган мутасадди ташкилотлар ишини тўла йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Газета мақолаларида кўрсатилгандек, бу айниқса, «Ташплодоовощ» бирлашмаси ва «Узтрансэкспедиция» бошқармасига тааллуқлидир.

Барча колхоз бозорларида ташкил этилган жамоатчилик Советлари ишига кўп нарса боғлиқдир. Фақат улар ёрдамида ўрта бозор нархларини белгилаш мумкин. Бироқ уларнинг олиб бораётган иши шу кун талабига тўла жавоб бермаётир. Олой бозоридаги жамоатчилик Совети кўр-кўрона ишлаяпти, қишлоқ хўжалик неъматларининг арзон бўлишига ҳеч қандай таъсир кўрсатаётгани йўқ. Колхозчилар ва савдо қилаётганлар билан суҳбатлар ўтказиш, ҳар бир колхоз бозорида агитация ва тушунтириш ишларини олиб бориш керак. Район ижроия комитетларининг раҳбарлари жамоатчилик Совети фаолиятини йўналтириш ва ташкил этишга масъулдирлар. Лекин бу муҳим ва керакли ишда улар ўз-ўзидан четда қолмоқдалар. Бу биринчи галда Олой колхоз бозорида жамоатчилик Совети ишларини актив ишлашини ташкил этмаётган Киров район Совети ижроия комитетига тааллуқлидир.







ФОТОАЙБНОМА

Юқоридаги ўртадаги суратда Олой бозорининг кассир-контролёри Нурилла Асатуллаевни кўриб турибсиз. Биз суратга олаётган вақтимизда у тараддудга тушиб қолди. Чунки у Калинин районидаги Хасково совхозида яшовчи У. Дўсовдан бир ўрин учун 90 тийин ўрнига 1 сўм 80 тийин олган.

Газетамиз бундай камчиликлар ҳақида шу йилнинг 11 февралида «Кўзни очинг, паттачи!» сарлавҳали мақола берган эди. Газета мақоласига шаҳар бозорлар бошқармаси бошлиғи М. Муҳаммадалиевдан жавоб олиниб, йўл қўйилган камчиликларга барҳам берилганлиги айтилган эди. Лекин буларнинг ҳаммаси сохта жавоблар экан, кассир-контролёрлар паттани ўз ҳоҳишларига қараб олишмоқда.

Чапдаги суратда эса «Ташгортрансэкспедиция»нинг 47 — 17 ТНП машинаси суратга туширилган. Афсуски, шофёр Мочалин кадрда йўқ. У текширишни сезиб, ғойиб бўлди. Гап шундаки, у Олой бозорига анчагина юк олиб келиб, такси счётида кўрсатилганидан ортиқроқ нархни олмоқчи эди. Шофёр Мочалин фотоаппарат объективидан қочиб қолди. Биз ўйлаймизки, у қилмишига яраша жазоланади.

Ўнгдаги суратда эса Олой бозорининг ҳовлисида ётган пештахталарни кўрмоқдасиз. Якшанба кунлари кўпчилик маҳсулотларини ерда очилган-сочилган ҳолда сотишга мажбур бўлишаётган бир вақтда бу пештахталар бир чеккада бўм-бўш турибди. Наҳотки, ана шу пештахталарни ўз ўрнида ишлатиш мумкин бўлмаса!!

Ҳ. Мирзакаримов фотолари.

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

22 АВГУСТ, 1983 й.

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ САҲИФАСИ

«ТОШКЕНТ ТАРОНАСИ» КОНКУРСИГА:

ИЖОД ГУЛДАСТАСИ

АЛИШЕР НАВОИЙ ЗАМОНДОШИ БУНДАН 500 ЙИЛ ИЛГАРИ ТАРАННУМ ЭТГАН ТОШКЕНТ

Зайниддин ВОСИФИЙ:

«Бир диёрки, анда сунбули раъно, халқин жаҳон айтур мардуми доно»

Серқуёшли Тошкентимизнинг тарихи жуда кўҳна. Уни шоирлар тараннум этишган, олиму фозиллар мадҳ этиб, ажойиб ташбеҳлар билан таърифлашган. Бундан беш юз йил илгари яшаб ижод этган етук адиб ва шоир, буюк шоиримиз Алишер Навоийнинг замондоши бўлган Зайниддин ибн Абдужалил Восифий ўзининг «Бадоеъул вақоеъ» («Нодир воқеалар») деган улкан асарида Тошкентни катта меҳр, оташин бир муҳаббат билан тасвирлайди. Зеро, олим бир қанча вақт Тошкентда яшайди.

Эрон шоҳи Исмоил Сафровий Хуросонни истило қилгач, Зайниддин Восифий шоҳ амалдорлари таъқибидан қочиб 1512 йили Мовароуннаҳрга қочади. У бир йил Самарқандда яшаб, сўнг Бухорога ўтади. 1525 йили—Тошкент ҳокими Севинчхожа оламдан ўтгач, ўғли Келдимуҳаммадхон ҳоким бўлади. Худди шу йили Шоҳруҳия шаҳридан Зайниддин Восифий Тошкентга келади, бу гўзал шаҳарда у умрининг охиригача яшайди ва 1566 йили оламдан ўтади.


Кўҳна ва ҳамиша навқирон Тошкентимизнинг икки минг йиллиги нишонланаётган шу тантанавор кунларда мўътабар шоиримизнинг Тошкентни тараннум этган ажойиб шеърий таърифи билан таништириш масъулиятини ўзимизда мажбурият ҳис этдик.

Тошканд мулкин букун таърифин этай,
Нуқталар шодасин назмга битай.
Бир диёрки, анда сунбули раъно,
Халқин жаҳон айтар мардуми доно.
Андоқ бир шаҳарки жаннатмакондир,
Хижолатдин жаннат сийнаси қондир.
Бу кентни ким кўрса асло жилмагай,
Жаннат неъматларин орзу қилмагай.
Бўлак юртларда гар бўлгунг бахтиёр,
Бунда гадолик беҳ, этгил ихтиёр.
Муборак тупроғи мисли тўтиё,
Суйи раҳмат суйидин хўрроқ гўё,
Тупроғин гардлари етса фалакка,
Бўлгудек тўтиё чашми малакка.
Шунинг-чун ел унн элтиб осмона,
Атру упа қилур ҳури ғилмона.
Суйи қаршисида обн ҳаёт ҳеч,
Зулмат сари кетсин, шармандадан кеч.
Хизр гар суйидан хабар топсамн,
Зулматни тарк этур, ҳам қолмас ғамн.
Балки аввал излаб топган бўлса ул,
Обн ҳаёт таркин айлаган буткул.
Топ-тоза зилолдек Парак дарёси,
Салсабил наҳрига монанд қиёси.
Остидаги тошлар дурдан қолишмас,
Дурлар бозорида нархн ҳеч тушмас.
Насими гўёки Исонафасдир.
Аиға етмоқ Масиҳоға ҳавасдир.
Хушбўй сабоснин этсанг ихтиёр,
Руҳпарвар дилбарлар нафасича бор.
Ҳавоси малҳамдир хаста жон учун,
«Қонун»н шифодир бағри қон учун.
Олови дилбарнинг феълидек саркаш,
На дилкаш! Оташин, воҳ, лаълн маҳваш!
Фитна қўзғашларн жонга балодир,
Шуъласи серафшон ўтлар солодир.
Ҳар бир нур ўрнидан турнб қолса гар,
Тасаввур қилакўр—шнша тўла зар.
Дуди оловидан гар кўтарса бош,
Дейсиз лолазорда сарвн қаламқош.
Теграсин қуршаган гўзал чорбоғлар,
Алардин Эрамнинг кўксида доғлар.
Боғларин васфина агар киришсам,
Еддан кўтарилур беҳишту Эрам.
Тераклар саф тортиб турарлар қатор,
Ҳар бирин дегайсан сарвқомат ёр.
Тераклар қоматнн кўрганда қизлар,
Шармдан қизарур, ҳаёдан гизлар.
Ясанган қизлардек қадди санавбар,
Виқор-ла туради саф тортиб аръар.
Ераб, тол баргининг сувдаги акси,—
Қармоққа илинган балиқлар рақси.
Заминга инади соя билан нур —
Гўё мушку анбар ерга сочилур.
Чаман узра атир гулнинг болқиши,
Айман водийсининг оловкор ниши.
Анҳор таърифида кўринган гулбун,
Ўша яшил дарахт, гули эса —хун.
Қара, гулбинидин ғунча кўрингай,
Сабзаранг хум мисол, ичи тўла май.
Ё доғли сийнаси маҳзун булбулнинг,
Ичи қонга тўлмиш дардида гулнинг.
Йўқ, ғалат сўзладим— бу бир боғ гули,
Шундан доғли эрур булбулнинг дили.
Гулнинг шавқида доимо нолон,
Шу гулнинг жабридан чекадир афғон.
Анвойи бинафша ариқ четинда,
Титратмә бор каби тану этинда.
Е, йўқлик мулкидин қаторма-қатор,
Яшиллик келтурур карвонда баҳор.
Савсан ғунчаларин кўрсатур бармоқ,
Олуда этибди нийлу рангга, боқ,
— Мендандир,—дейди у,—боғнинг чиройи,
Бўёқчига келур кўк ранг киройи,
Наргис кўзн тегди унга азалдан,
Кўкариб бўй чўзди сарв касалдан,
Шунданми юз минглаб ғунча чўзиб тил,
Дам солур сарвга бир-бир мустақил.
Ҳамиша баҳор гули деганича бор,
Ундан чорбоғ ичи ҳамиша баҳор.
Ёинки пойнга қирмизи гулни,
Чаман сочди ашрафийлар сочқини.
Еки Қорун ганжи ер остидайди,
Баҳор аннинг сиррин фош этиб қўйди!

ЖАННАТМАКОН ШАҲАР БУ

Алексей ЛАДАН
музикаси

Ғайрат МАҲМУД
шеъри



Жаҳонга донг таратган,
Жаннатмакон шаҳар бу.
Янги дунё яратган,
Мард, қаҳрамон шаҳар бу.
Утмишга солсак назар,
Зулмат экан алҳазар,
Йўқ кўҳна Шошдан асар,
Чўнг, навқирон шаҳар бу.
НАҚАРОТ:
Ҳур, чароғон шаҳар Тошкент, Тошкент.
Тинч, фаровон шаҳар Тошкент, Тошкент.
Тинч, фаровон Тошкент.
Санъат маърифат конн,
Кўксин безар нишонн,
Мангу тинчлнк қўрғонн,
Мардн-майдон шаҳар бу.
Не-не шаҳарга тенгдош,
Бахт-саодатга йўлдош,
Ҳар эзгу ншга бош-қош,
Аслн сарбон шаҳар бу.
НАҚАРОТ:
Ҳур қўйнида бемннат,
Тер тўкар аҳлн меҳнат.
Совет Шарқнга зийнат,
Сўлмн, бўстон шаҳар бу.
Нон шаҳрн деб олган ном,
Дўстлнкнн ёқлаб мудом,
Тантн, мезбон шаҳар бу.
НАҚАРОТ:

ОНАЖОНЛАР

ПУБЛИЦИСТИКА

Ассаломалай к у м, умри азиз, сўзи лазиз, меҳри офтоб тошкентлик онажонлар! Бугун субҳи содиқда туриб Сизни, Сиз жонажонларни ўйлаяпман. Сизнинг меҳру муҳаббатингиз, Она халққа, Она Ватанга сидқу садоқатингиз ҳақида ўйлаяпман. Биламан, Сиз аллақачон ўрнингиздан туриб, ширингина ухлаётган жажжи набираларингизга елиб-югуриб нонушта тайёрлаяпсиз. Ушоққина жуссангиздан гайрат, йиллар ўзинини солиб ўтган юзларингиздан нур, тийрак кўзларингиздан меҳр ёзилади. Сочларингиз беғубор қалбингиз каби, ана шу отиб келаётган тонг каби оппоқ.

Мен бу юзларга қачон ажин тушганини, қачон бу сочларга илк бора оқ оралаганини яхши биламан. Уруш хабари келган ўша минг тўққиз юз қирқ биринчи йилнинг жазирама ёзи дунё кўзингизга тор келиб, вужуд-вужуди н г и з музлаб кетганини яхши ҳис қилиб турибман, онажонларим!

Ўшанда Сизга қанчалик оғир бўлмасин, жондан азиз фарзандингиз, дилбандингизни, кўнглирингизнинг сарвари, уйингизнинг устуни умр йўлдошингизни ишонганда боргингиз, суянганда тогингиз ака-укаларингизни Она-Ватан ҳимоясига кузатиб қолдингиз. Катта қалб, катта имон билан, катта бардош, қатта ирода билан кузатиб қолдингиз, онажонларим!

Мен биламан, кўпингизнинг йиллар ўтган сайин йўлга қарайверириб хиралашган кўзларингиз ҳамон нигорон. Ўғлингиз тишлаб кетган табаррук нон хонангиз тўрида турибди. Умр йўлдошингизнинг жанггоҳлардан ёзган хатлари ҳу тўрдаги кутида, атлас белбоғ бағрида. Сиз ҳар тонг йўлга қарайсиз. Сизнинг тоғдек бардошингизга, сидқу садоқатингизга таъзимлар бўлсин!

Онажонлар, уруш кунларн ўғлингизнинг дастгоҳи тўхтаб қолмади, эрингизнинг иш жойи ҳувилламади. Сиз завод, фабрикаларда жасорат кўрсатиб, матонат кўрсатиб меҳнат қилдингиз. Қанчадан-қанча етим-есирларни бағрингизга олдингиз, «Сен етим эмассан, Ахир шу-ларнинг ота-оналари биз учун, бизнинг ҳаётимиз учун курашиб жон берганлар, биз қон берсак нима қилибди!» дилидан ўтказарди у.

Саодат Набиева кеча-ю кундуз болалар уйида овора бўлгани етмагандай Виктор, Нелли исмли болаларни ўз тарбиясига олди...

Ҳозир Саодат опа бувилик гаштини суряпти. Ўғли Абдуазим Тошкент тўқимачилик комбинатининг донгдор ишчиси. Виктор инженер-қурувчи. Қизи Нелли бўлса «Таштекстильмаш» заводида ишлайди.

Шаҳри азим Тошкентимизда Саодатхон аяга ўхшаган бағри Ўзбекистон даласидек кенг, меҳр тафти Ўзбекистон қуёшидек иссиқ онажонлар беҳисоб. Улар ҳар бир районда, ҳар бир маҳаллада, ҳар бир кўчада бор. Улар хонадонларимизнинг файзи, фаровати. Бизнинг ифтихоримиз.

Мен ҳар тонг хизматга Халқлар Дўстлиги майдонидан ўтиб бораман. Гўзал кошона саҳнида ўн тўрт фарзандни бағрига олиб турган Баҳри опа ва Шоаҳмад Шомаҳмудовлар ҳайкали қаршисида бир зум тўхтаб ўтаман. Бу эсдалик монументида бутун ўзбек элининг, бутун Совет элининг қалби қуёшлиги, меҳри дарёлиги мужассам.

Ҳа, бир пайтлар Тошкентнинг оддий ишчи хонадонида 14 миллат фарзанди паноҳ ва нажот топган бўлса, бугун тинчлик шаҳри, дўстлик шаҳри Тошкенти азимда 120 га яқин миллат вакиллари бир ота-онанинг фарзандларидек қўлни-қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар.

Куни-кеча монумент қаршисида бир группа ажнабий меҳмонларни кўрдим. Улар бу ҳайкал қаҳрамонлари ҳақида сўраб-суриштиришарди. Меҳмонларни бошлаб юрган ёшгина, қаламқош қиз юзлари оловланиб, кўзларидан ўт чақнаб бажонидил қиноя қиларди.

Меҳмонлардан бири бир оила ўн тўртта турли миллат фарзандини тарбиялаганлигини эшитгач:

— Қизиқ,— деди елкасини қисиб,— қандай қилиб.. Бировнинг боласини-я!

Биз бир-бирига қондош, бир-бирига жондош Совет халқи эканлигимизни, вақти келса бир-бирининг ташвишига ҳам, қувончига ҳам шерик Совет халқи эканлигимизни, бутун умрини ана шу қудратли дўстлигимиз, ҳамкору ҳамнафаслигимиз боислигини ажнабий дўстимга жуда-жуда сўзлагим келди. Йўқ. Мен айтмасамда, мезбон қиз бу гапни содда қилиб тушунтирди. Меҳмонлар юзида қаяжон кўрдим.

— Браво, браво! — дейишарди улар баравариа.

Ҳали ер юзида тинчликка, тенгликка, эрк ва озодликка ташна, бир қултум сув, бир бурда нонга зор оналар йўқ эмас. Сўнгги ой ичида испаниялик аёллардан 20 миллиондан зиёди она бўлиш арафасида ишдан бўшатилди. ГФРда 945 минг аёл иш қидириш билан овора, англиялик 3340000 ишсизнинг кўпчилик қисмини аёллар ташкил этади...

Жаҳон оналари тинчлик истайди. Сиз тинчлик истайсиз, азиз оналар. Никарагуа, Сальвадор ва Ливандаги воқеалар Сизни, бизни, дунёдаги бутун прогрессив инсоният қалбини ларзага солаётганлиги шундан!

Кўҳна Тошкентимиз ўзининг 2000 йиллик юбилейини янада тўлишиб, янада чирой очиб нишонлаяпти. Бу катта тўйга бутун дунёдан, бутун мамлакатдан азиз меҳмонлар келмоқда. Улар сафида сизнинг қайноқ қалбингиздан нур эмган, сиздан одамийлик, меҳри оқибат таълимини олганлар беҳисоб, азизлар!

Ўйласам, Сизнинг таърифингиз сўзларга сиғмас экан, Сизнинг сахий бағрингизни, Сизнинг меҳрингизни, меҳнатингизни, Сизнинг садоқатингизни, саодатингизни ҳеч нарсага таққослаб бўлмас экан. Бахтимизга соғ бўлинг, дунё тургунча туринг, жонажонларим!

Ортиқали НОМОЗОВ.



Рассомлар ва меъморлар пойтахт юбилейинга

Яқинда Тошкентдаги амалий санъат экспериментал ижодий комбинатида «Шаҳар», «Пахта» ва «Музика» деб номланган учта рельефли панно яратилди. Таниқли монументалчи рассом Сафариёз Султонмуродов ижодига мансуб бу асарлар республика телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг янги биноси интерьерларини безади. С. Султонмуродов пойтахт ер ости йўлининг ҳозир бунёд этилаётган «Тошкент» станцияси залларини безаш бўйича ҳам ижодий иш олиб бормоқда.

Пойтахтимиз рассомлари меъморлар билан ҳамкорликда яратган бундай санъат асарлари «Баҳор» концерт залига ҳам оригинал қиёфа бахш этди. Дамир Рўзибоев томонидан яратилган «Музикантлар» ҳайкалтарошлик композицияси, И. Липиене ижодига мансуб ойнаванд қандиллар, Баҳодир Жалоловнинг «Рақснинг яратилиши» композицияси ушбу санъат кошонасига узукка кўз қўйгандек ярашиб тушган.

Таниқли рассом Чингиз Аҳмаров яратган сюжетли композициялар асосида метронинг «Алишер Навоий» станцияси залларига ҳам чиройли рельефлар ишланмоқда. Таниқли рассом бу станцияда Алишер Навоий даврига хос манзаралар, шоирнинг бетакрор поэтик олами, унинг ажойиб қаҳрамонлари руҳиятини акс эттирувчи орнаментлар яратди. Бу ер ости бекатида А. Шоймуродов томонидан яратилган манзарали композиция ҳам ишланмоқда. Композиция марказида Алишер Навоий қиёфаси акс этган рельеф жойлашади. Станция вестибюлларидаги бошқа бир қатор композициялар ҳам улуғ шоиримиз шеъриятига бағишланган.

Пойтахтимизн и н г 2000 йиллигига қадар республика маданият министрлигига қараши ёдгорликлар ва тасвирий санъат асарларини муҳофаза қилиш Бош бошқармасининг экспериментал ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш комбинати томонидан Тошкентда саккизта янги монументлар ўрнатилади. Шу кунларда комбинат ижодкорлари Ал-Хоразмийнинг улкан ҳайкали устидаги ишларни ниҳоясига етказмоқда. Бронзадан тайёрланадиган бу ҳайкал ҳам пойтахтимиз кўчаларидан бирига гўзаллик бахш этади. Р. Немировский, А. Раҳматуллаевлар яратган бу монументал асар ўзининг оригиналлиги, улуғ аллома қиёфаси ва руҳиятини теран акс эттириши билан ажралиб туради. Комбинатда пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларида ўрнатиладиган улуғ шоир Ғафур Ғулом, бахт қўйчиси Ҳамид Олимжон, республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбоевнинг ҳайкаллари ҳам яратилмоқда. Бу асарлар устида ҳайкалтарош Яков Шапиро ва бошқа мутахассислар иш олиб боришмоқда.

Рассом Абдумалик Бухорбоев эса ўзининг Тошкентдаги СССР Халқлари дўстлиги саройига ишлаган бир қатор монументал асарлари билан кўпчиликка яхши маълум.

Ҳозир Тошкент метросининг «Ўзбекистон» станцияси интерьерларини республикамиз табиатига уйғун манзаралар билан безаш бўйича тошкентлик меъморлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

А. Бухорбоев ва меъмор В. Спиваклар яратган композиция асосида ўймакор усталар яратган ажойиб эшиклар «Москва» меҳмонхонасига кўрк бағишлади. А. Бухорбоев каштан, қайрағоч, карелия қайини, ёнғоқ ва бошқа хил нодир дарахтларнинг ёғочларидан фойдаланиб ажойиб композиция тайёрлади. Ана шу оригинал композицияни ўймакорлар гоят нафислик билан ёғочда акс эттиришди.

Пойтахтимиз меъморлари, рассомлари, санъаткорлар панно ва рельефлар, декоратив ҳайкалтарошлик композицияларида дўстлик, тинчлик ва қардошлик шаҳри бўлган Тошкентнинг гўзаллигини рамзий воситалар билан акс эттиришга ҳаракат қилишмоқда.

О. АПУХТИН.

СУРАТЛА Р Д А: ҳайкалтарош С. Султонмуродов метронинг «Тошкент» станцияси ер остн қасрига мармар кошинлар ишламоқда.

Автор фотолари.



ПОЙТАХТ РАЙОНЛАРИ: ЮБИЛЕЙОЛДИ ЙЎҚЛАМАСИ

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ

— Эҳтимол улкан шаҳарнинг улкан юбилейи арафасида унчалик катта бўлмаган ҳақда ҳикоя қилмоқчиман. Сергели, темирбетон буюмлари заводи ташкил этилганига 25 йил бўлди. Унинг корхонанинг кичик директори Евгений Александрович Кочкин ҳам, корхона ишчилари ҳам ёшлардир. Улар ўз оталари ишининг муносиб давомчилари бўлиб қолишди. Тез орада сергелиликлар районнинг юз мингинчи аъзосини қутлашади. Ёш сергелиликларга алоҳида ғамхўрликлар кўрсатилмоқда: чунки келажакда улар районнинг улкан социал-иқтисодий программасини амалга оширадилар. Сергелини шаҳардаги энг йирик ва замонавий районлардан бирига айлантирадилар.





Бизда болаларни мактабгача тарбия муассасалари билан таъминлаш масаласи ҳам муваффақиятли ҳал этилмоқда. Юбилей йилида мингдан ортиқ ёш сергелиликларни тўртта янги болалар боғчаси ўз бағрига олади. Ана шундай болалар масканларидан бири—47-боғча яқинда ишга туширилди.

Кўпчилик пионерлар райондаги ўзига хос техник малака берувчи пионерлар саройида, 20 дан ортиқ турли тўгаракларда қатнашишмоқда. Сергелиликлар яхши ҳордиқ чиқаришни ҳам ўринлатишади. Районимизнинг 28 меҳнатчиси шаҳар ва район конкурсларининг лауреатлари бўлишган. Аброр Ҳидоятов номли маданият уйи райондаги энг яхши бадиий ҳаваскорлик коллективига эга.

Биз, ушбу суратлар билан юбилей шарафига олинган мажбуриятларини бажарганлиги ҳақида рапорт берган комплекс бригадамиз меҳнат йилномасига ҳисса қўшаётган Сергели райони бўйича саёҳатимизни ниҳоясига етказамиз.

СУРАТЛАРДА: А. Ҳидоятов номидаги маданият уйида. Бу ерда 20 дан зиёд турли бадиий ҳаваскорлик тўгаракларн ишлаб турибди. ⊙ Педагог Н. Г. Косова музика дарсини ўтказмоқда. ⊙ Бадиий ҳаваскорлик тўгаракларн «Энг қадимий — манту ёш шаҳар» концерт программасини тайёрлашган.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

22 АВГУСТ. 1983 й.

КЕЛИШГАН ВА ЧИРОЙЛИ КЎРИНИШ УЧУН



ҲАР БИР ҲОТИН-ҚИЗГА КУРКАМ, ПИШИҚ, ҚУЛАЙ ИЧ КИЙИМЛАРИ КЕРАК

Львов, Николаев, Минск трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмалари, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишлаб чиқарган корсетлар, белбоғлар, комбинациялар, панталонлар, бюстгалтерларни ЦУМ, ГУМ, Фрунзе савдо маркази, «Чилонзор» Марказий универсал магазинининг галантерея бўлимларидан сотиб олиш мумкин.

«УЗОПТГАЛАНТЕРЕЯ» ТОШКЕНТ УЛГУРЖИ САВДО БАЗАСИ.

ТОВАРЛАР~ХАЛҚҚА!

Кўп сонли илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, хонада зарур намликни, ҳавода эса маълум даражада манфий ионларни сақлаш шифобахш аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, профилактик омил ҳамдир. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган дастлабки «КОМФОРТ», «БРИЗ», «ИОН» электр намлагичлари ана шу вазифаларни бажариш билан бирга ҳавони тутун ва чангдан тозалайди.

«КОМФОРТ»нинг баҳоси— 24 сўм.

«БРИЗ»нинг баҳоси — 20 сўм.


«ИОН»нинг баҳоси — 29 сўм.

Электр намлагичларни электр товарлари магазинларидан ҳамда устама ҳақ тўлаб «Укроптхозторг»нинг Киевдаги ихтисослашган электр товарлари базасидан (109440, Киев шаҳри, Молодогвардейская кўчаси, 20-уй) **сотиб олиш мумкин.**



КИЕВ РЕЛЕ ВА АВТОМАТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ.



СИЗ ЭЛЕКТР ҚУВВАТИНИ ТЕЖАБ САРФЛАЙСИЗМИ? ОҚИЛОНА? ТЕЖАБ-ТЕРГАБ? ИҚТИСОД ҚИЛИБ?

Бу — электр асбоблари, вентиляторлар, кондиционерларни бўлар-бўлмасга ишлатасизми деган маънони англатади;

сиз ўзингизнинг квартирангизда, зинапоя даҳлизида ва подъездда электр ёритиш ускуналарининг лампочкаларини ёқилган ҳолда қолдирмайсизми;

агарда сиз бинодан чиқиб кетаётган бўлсангиз, электр асбобларини ўчириб кетасизми;

сувни бўлар-бўлмасга сарфламайсизми— чунки шаҳарга бериладиган бир кубометр сув 0,3 киловатт-соат электр қувватини ҳосил қилиш учун сарфланади.

Ушанда ҳар бир тежаб қолинган киловатт-соат электр қуввати қуйидаги юмушларни бажариш учун бемалол етади:

ИККИ ЖУФТ ПОЙАФЗАЛ ТИКИЛАДИ.

10,5 КИЛОГРАММ ПАХТА ҚАЙТА ИШЛАНАДИ.

20 КИЛОГРАММ УН ҚАЙТА ИШЛАНАДИ.
50 КИЛОГРАММ НОН ЁПИЛАДИ!

«УЗГОСЭНЕРГОНАДЗОР».

МИСГАРЛИК БУЮМЛАРИ—ХОНАДОН КЎРКИ

Мисгарлик, зарб этиш, ўймакорлик, кандакорлик усули билан ишланган совға буюмлари исталган байрамда энг муносиб совға бўлаолади.

Мавзулар композицияси ғоятда ранг-барангдир.

Мисгарлик буюмлари одатда юксак бадиий ва эстетик даражада ишланган бўлади.

Баҳоси — 4 сўм 50 тийиндан 14 сўмгачадир.

«РАССВЕТ» марказий савдо-реклама ташкилоти
«РЕКЛАМА» марказий реклама агентлиги.

ТОВАРЛАР — ХАЛҚҚА!

«ЭЛЕКТРОНИКА» СОАТЛАРИ— АНИҚЛИК ГАРОВИДИР!

«ЭЛЕКТРОНИКА» БУ — ИШЛАШДА ЧИДАМЛИЛИК ВА ИШОНЧЛИЛИКДИР. «ЭЛЕКТРОНИКА»— БУ ОЗГИНА АХБОРОТЛАР МАЖМУАСИДИР: АНИҚ ВАҚТ — СОАТ, МИНУТ, СЕКУНД ВА БИР ЙЎЛА БАТАФСИЛ КАЛЕНДАРЬ—ҲАФТАНИНГ КУНИ, ОЙНИНГ КУНИ, АЙРИМ МОДЕЛЛАРДА ЭСА ҲАТТО ЙИЛНИ ҲАМ КЎРСАТАДИ.

«Электроника»— бу жуда қулайдир! Унинг мурватини тез-тез бураб туриш, тозалаш, мойлаб туришга ҳожат йўқ. Атиги бир йил мобайнида батареясини бир марта алмаштириб қўйсангиз, ҳеч қандай юмушга ҳожат қолмайди.


«Электроника»— бу кўркам, замонавий, башангликдир. «Ташкультторг»нинг магазинларида қуйидаги соатлар сотувга қўйилган.

«ЭЛЕКТРОНИКА —1Б603»— талабга биноан вақтни кўрсатади. Тугмачани босишингиз билан рақамли нурли индикаторда рақамлар ёришиб кўринади: СОАТ, МИНУТ, СЕКУНД, ОЙНИНГ КУНИ, ҲАФТАНИНГ КУНИ.

«ЭЛЕКТРОНИКА— 529360 (2065)» — батафсил календарь билан вақтни ғоятда аниқ кўрсатади. Бу соатлар икки шкала бўйича вақтни кўрсатиб туради: соатнинг юқори чап бурчагидаги индикаторида «—» рамзий белгиси билан сутканинг вақтини, ўнг томонида эса куннинг иккинчи ярмини кўрсатиб туради.

24 соатли шкаласи эса кечқурун ва кечаси ишлайдиган кишилар учун ҳар томонлама қулайдир.

«ЭЛЕКТРОНИКА» —5Б6—203 ва «ЭЛЕКТРОНИКА — 5Б6—204» СОАТЛАРИ ҳам икки вариантда ишланган. Лекин уларда символик белги ҳарфли белгилар билан алмаштирилган: «А» —куннинг биринчи ярмини англатса, «Р» ҳарфи куннинг иккинчи ярмини билдиради.



«ЭЛЕКТРОНИКА 5Б6—202К» ҲАМЕН СОАТЛАРИ ота-боболаримиз қадимги пайтларда тақиб юрган ўша эски соатларнинг кейинги авлодидир. Улар микроэлектрониканинг сўнгги ютуқлари асосида замонавий нафосат билан ишланган.

«РАКЕТА—3050» ва «ПОЛЕТ—3050» СОАТЛАРИ одатдаги циферблати ва соат миллари ўрнатилган бўлиб, у кўпчиликка манзур бўлаверади. Бу соатлар марказий секунд стрелкаси билан таъминланган бўлиб, ҳар дақиқада ҳаракатланиб турувчи қўшалоқ календарь билан таъминланган. Уларнинг мурватини бураб туришга ҳожат йўқ. Электрохимик манба бу соатларнинг йил мобайнида узлуксиз ишлаб туришини кафолатлайди.

Магазинларда снзларга ранг-баранг безакланган «ВОСТОК», «ЧАЙКА», «ЗАРЯ», «ЛУЧ», «РАКЕТА», «ЗИЛ», «НАИРИ» кабн турли маркадаги механик соатларни тавсия этишади.

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

1—Киров кўчаси, 17-уй.
7— «Соатлар» — Навоий кўчаси, 14-уй.
9— Олой бозори.
10—Муқимий кўчаси, 1-уй.
4— Куйбишев шоссеси, 850-уй.
«ТАШКУЛЬТТОРГ»

ОЛТИН ҚОПЛАМАЙМАН, ЛЕКИН ОЙНА ЯСАЙМАН



Улуғ Ломоносов ўзининг одаларидан бирида афсонавий ойна— биллур ҳақида ҳаяжонланиб ана шундай куйлаган эди.

Нақшинкор ишланган вазалар, бокаллар, фужерлар ўзининг камалак рангли серқирра жилоси билан байрам дастурхонининг кўркини очиб юборадиган зийнат буюмларидан ҳисобланади.

Биллур идишнинг жарангдор янгроқ овози тантанали маросимнинг файзига файз қўшади.

Тошкент «Миконд» заводи, Гусев биллур заводи, Новгород «Большая Вишера» заводининг биллур идишларини:

конфетдонлар, салатдонлар, гуллар учун вазалар, мураббодонлар, фужерлар, рангли шишадан ишланган рюмкалар ва идишларни

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон—42-98-52).

КИНО

22, 23 АВГУСТДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТЕҲРОН— 43» —Санъат саройи (кичик зал, 12.00, 14.30, 17.00, 19.30, телефон 44-21-74).

«ХОН АСПАРУХ»— Санъат саройи (11.00, 13.30, 16.00, 18.20, 20.30).

«СПОРТЛОТО—82» —Кунус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«ИЗҚУВАР» —Қозоғистон (11.00, 14.00, 17.00, 20.00, телефон 35-24-92).

«ГАПЛАШИБ ОЛАЙЛИК, УКА»— Қозоғистон (12.00, 15.00, 18.00, 21.00, телефон 35-24-92).

«ХАЛОС ВЎЛИШ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (11.30, 14.00, 16.30, 19.00, 21.30, телефон 78-47-25).

«МАШЪУМ САҲҚАТ»— Қозоғистон (кундуз ва кечқурун).

85-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983—1984 ўқув йили учун

БИР ЙИЛ МУДДАТЛИ ЎҚИШГА

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА:

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЎҚУВЧИЛАР, НИГИРУВЧИЛАР, МАСТЕР ЕРДАМЧИСИ, РАКЛИСТ, УРОВЧИЛАР, РОСТЛОВЧИЛАР, ТАРОВЧИЛАР, ПИШИРУВЧИЛАР ЭШУВЧИЛАР, ГАЗЛАМАНИ ОҚАРТИРУВЧИЛАР.

10-синфларни битирган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқувчилар уч маҳал бепул овқат, ётоқхона, стипендия билан таъминланадилар. 5— 7 ойдан кейин ўқувчилар меҳнатнинг ишбай ҳақига ўтказиладилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар;

3 ЙИЛ МУДДАТЛИ ЎҚИШГА

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА:

ТЎҚУВЧИЛАР, НИГИРУВЧИЛАР, МАСТЕР ЕРДАМЧИЛАРИ

8-СИНФНИ БИТИРГАН НИГИТ ВА ҚИЗЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР

Ўқувчилар уч маҳал овқат, кийим-бош, ётоқхона билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси вақтида ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Ўқувчилар билим юртини битирганларидан кейин ўрта маълумот ва ихтисослик тўғрисида диплом оладилар.

Билим юртини битирганлар шаҳардаги олий ўқув юртлари ва техникумларига ўқишга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртида бичиш ва тикиш, шофёрлик курслари, олий ўқув юртларига ўқишга кирадиганлар учун бепул тайёрлов курслари ишлаб туради, маданият саройида бадиий ҳаваскорликнинг турли тўгараклари, шунингдек, «Текстильщик» стадионида спорт секциялари бор.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирган ўқувчилар олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қуйидаги ҳужжатлар керак бўлади: маълумоти тўғрисида, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси, турар жойидан справка, 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмли), ариза ва таржимаи ҳол.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй (2, 3-автобусларнинг «Билим юрти бекати; 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбусларнинг «Фрунзе савдо маркази» бекати). Телефонлар: 55-44-85, 55-44-96, 55-38-93.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ МЕҲНАТ БЎЛИМИ

ИШЧИЛАРНИ—ЁЛҒИЗ ЭРКАКЛАР ВА АЁЛЛАРНИ

ҚЎПЛАБ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

«САХАЛИНУГОЛЬ» БИРЛАШМАСИНИНГ ШАХТАЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН— электр слесарларни, кон ишчиларини, лаҳмчиларни, ер кавлаш машиналарининг машинистларини.

«ГЛАВЯКУТСТРОЙ» ва «САХАЛИНШАХТАСТРОЙ»га— қурувчилик касби бўлганларни.

БЛАГОВЕЩЕНС ТЭЦига (иссиқлик электр марказига), «ОРЕНБУРГЭНЕРГОСТРОЙ», ТОМЬУСИНСК ГРЭСига (гидроэлектростанциясига) ҳамда ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИНИНГ БОШҚА КОРХОНАЛАРИГА— қурувчи касби бўлган ишчиларни.

Меҳнат шартномасининг муддати —2-3 йил. Олдиндан турар жой майдони тайинланади. Пропуск расмийлаштирилади.

«ИРКУТСКЛЕСПРОМ» ва «ТОМЛЕСПРОМ» БИРЛАШМАЛАРИГА —ўрмон саноати ҳўжалигининг ишчиларини (ёлғиз эркаклар). Меҳнат шартномасининг муддати —2 йил.

Барча саволлар билан районлардаги ишга жойлаштириш пунктларига ва Пролетар кўчасидаги 4-уйнинг, 3-подъезд, 6-хонасига учрашилсин.

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ВА ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИ БАЗАСИДАГИ 86-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича 1983—84 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Токарь (программали бошқариладиган станокда ишловчи), **учиш аппаратларини йиғувчи слесарь, слесарь-механик, саноат жиҳозлари ремонти бўйича слесарь, дипломли газ-электр пайвандчи, электр кўтарма кранлари машинисти, ОТК контролёрлари, автослесарь.**

15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқиш муддати — 3 йил.

Металл бўйича универсал токарь. Ёши 16 ва ундан катта ёшдагилар. Ўқиш муддати 1 йил. Бу касбдагиларга 80 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Ремонтчи-слесарь (саноат жиҳозлари бўйича). Ёши 16 ва ундан катталар. Ўқиш муддати 1 йил. Бу касбдагиларга 70 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Слесарь-механик (механик-йиғиш ишлари). Ёши 16 ва ундан катталар. Ўқиш муддати 1 йил.

Электр кўтарма кранлари машинисти. Ёши 17 ва ундан катталар. Ўқиш муддати 1 йил. Бу касбдагиларга 70 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Электр пайвандчи. Ёши 17 ва ундан катталар. Ўқиш муддати 1 йил. Бу касбдагиларга 30 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

ОТК контролёри. Бу касбга қизлар интиёзли равишда қабул қилинади. Ёши 17 ва ундан катталар. Ўқиш муддати — 1 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат ва кийимлар билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртида иккита техника ижодкорлиги тўгараги, радиоҳаваскорлар тўгараги, фото тўгарак, 8 та бадиий ҳаваскорлик тўгараги, ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли, вокал-чолғу асбоблари ансамбли ва ҳоказолар мавжуд. 10 та спорт секцияси ишлаб турибди. Езги каникул даврида ўқувчилар «Чимён» лагерига борадилар.

Билим юртини тамомлаганлар олий ўқув юртига имтиёзли қабул қилинадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома ёки аттестат, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 6 та фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига 4, 5-троллейбуслар («Экскаватор заводи» бекати); 3, 22, 23, 29-трамвайлар («Старт стадиони» бекати) билан бориш мумкин. Телефон 35-61-30.

ТВ

22 АВГУСТ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.40 «Сиз яратган боғ». 19.10 «Ўн йил ўтгач». Фильм-концерт. 19.30 Футбол шарҳи. 20.00 «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат» 20.30 С. Прокофьевнинг «Монастирдаги никоҳ». операси С. М. Киров номли Ленинград Давлат академик опера ва балет театрининг спектакли. 21.30 «Время». 22.05 «Монастирдаги никоҳ» операсининг давоми. 23.35 «Дунё воқеалари». 23.50 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Италиядан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Каспий тюлени». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 19.00 Теннис бўйича Европа чемпионати. Юрмаладан олиб кўрсатилади. 19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Халқаро панорама» 21.30 «Время». 22.05 «Махсус сон». Бадиий фильм (Руминия). 23.25 «Қадрдон Подмосковье». Телевизион ҳужжатли фильм.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун. «Хайр, боғча — салом мактаб». 18.35 «Оператор Кипс кимсасиз оролда». «Иваснк-Телесик». Мультфильмлар. 19.00 Тошкентнинг 2000 йиллигига. «Шеърият билан учрашув». Р. Фарҳодий (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Ал-Хоразмий талаллудининг 1200 йиллигига. «Ая-Хоразмий ва ҳозирги замон фани». 20.15 «Яқин юлдузлар». Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни Ўзбекистон ССР халқ артисти З. Ҳақназаров олиб боради. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Камал». 1-фильм. «Луга мудофаа чизиғи». 00.10 Янгиликлар.

II

9.00 — 16.30 МТ II.

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Қизиқувчилар экрани. 18.45 «Очиқ дарс». Телевизион фильм. 19.35 Врач маслаҳати. 19.50 «Реконструкция». Телевизион фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Бронза қуш». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.).

23 АВГУСТ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 С. Прокофьев. «Монастирдаги никоҳ». 12.05 «Бўталоқ ва ҳўтик қандай қилиб мактабга боришди». Мультфильм. 12.15 «Оғаларга оға». 12.45 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Ўтли йўл». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.45 «Сухановода ёз». 16.55 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 17.25 «Ўўққа йўл». СССР халқ ўқитувчиси Р. Х. Кончукоева ҳақидаги телевизион очерк.

17.55 РСФСР халқ артисти А. Тихонов чалади (балалайка). 18.25 «Расмларда қуёш акси бор». 18.40 «Фан ва турмуш». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Ялтироқ қурт ва шабнам». Мультфильм. 19.40 Руминиянинг миллий байрамига. Руминия Социалистик республикаси телевидениесининг программаси. 20.30 РСФСР халқ артистлари Н. Павлова ва В. Гордеев рақсга тушади. 21.30 «Время». 22.05 «Қувноқ болалар». 23.15 «Спорт ҳафталиги». 23.45 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Италиядан олиб кўрсатилади. 19.20 «Қурилиш ва архитектура». Киножурнал. 19.00 «Инсон ва қонун». 20.00 «Онамларнинг мактаби». 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Италиядан олиб кўрсатилади. 21.15 «Ҳаёт жилолалари». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Испания). 1- ва 2-серия. 23.50 СССР халқ артисти Б. Штоколов концерти.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Саҳий фил ҳақида эртак». Мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Хайрлашув гулханлари атрофида» (рус.). 18.45 «Эврика». Кинокўрсатув. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Тошкентнинг 2000 йиллигига. Молдавия телевидениесининг программаси. 20.30 «Ахборот». 20.50 Тошкентнинг 2000 йиллигига. Молдавия телевидениесининг программаси (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Қорақалпоғистоннинг пахта далаларида». 22.25 «Камал». 2-фильм. «Пулково меридиани». 23.40 Янгиликлар.

II

9.00—16.25 МТ II.

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Ҳақнамонлик балладаси». Телевизион фильм. 18.45 Ўқитувчи экрани. Республика маорифчилари август кенгаши олдидан. 19.15 «Шаҳар остидаги саройлар». Телевизион фильм. 19.30 «Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш — умумхалқ иши» (рус.). 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Бронза қуш»: Телевизион бадиий фильм. 2-серия. (рус.).

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

22 АВГУСТ. 1983 й. Р—06385. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12